O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 300409

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 16-aprel • Payshanba • 45 (29.006) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ривожланишнинг энг муҳим мақсадли комплекс дастурлари ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши 208,6 мингта янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди.

ИЖРОИЯ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ижроқўм аъзолари партия Марказий Кенгаши IX пленуми кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқдилар. Ижроқўм қарорларининг бажарилиши, уларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ тадбирлар муҳокама этилди.

Шунингдек, марказий Кенгаш Ижроия қўмитасининг 2008 йилдаги молиявий фаолияти, 2009 йилги бюджетнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ

ОЛДИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IX пленуми бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилишида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари иштироки масаласига қаратилди.

Пленум кун тартибидаги масала юзасидан партия Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов маъруза қилди.

— Иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, глобал иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга таъсирига қарши курашиш учун мустаҳкам замин яратиш 2009 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим омиллари ҳисобланади, — деди у ўз сўзида. — Инқироз шароитида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида депсиниш ва иш ўринларини кескин қисқартиш кузатилаётган бир вазиятда, Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимнинг янада такомиллаштирилаётганлиги Инқирозга қарши чоралар дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим ижтмоий аҳамиятга молик эканлигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асари, Инқирозга қарши чоралар дастури ва «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида нафақат мамлакат иқтисодиётини инқироз оқибатларидан сақлаш, шу билан бирга, ижтимоий масалага катта эътибор қаратилганлиги халқимизнинг, айниқса, партиямиз электорати манфаатларига мосдир.

Шундай экан, фуқароларга Инқирозга қарши чоралар дастурининг моҳиятини тўғри тушунтириш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, пленумда партия ташкилотлари ЎзХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Жўқорғи Кенгесдаги фракциялари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг бу борадаги асосий йўналишлари белгилаб олинди. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятини жиддий яхшилаши, мавжуд камчиликлар, сусткашлик ва бепарволик ҳолларини бартараф этиши зарурлиги таъкидланди. Навоий, Андижон, Хоразм, Сирдарё, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолияти танқид қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг ҳисоботи ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг ўтган йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингланди. Пленум ўз-ўзини танқид ва таҳлил асосида ўтди. Партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Марказий Кенгаш аъзолари ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ҳамидулла Назаров, Улуғбек Вафоевлар ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосарлари, Ижроия қўмитаси аъзолари этиб сайланди. Қорақалпоғистон республика партия кенгаши пленумида партия кенгаши раиси Назира Матёқубованинг Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси аъзолигига сайлангани ҳақидаги ваколати тасдиқланди. Мухтасар Абдураҳмонова Марказий Кенгаш аъзоси этиб сайланди.

Пленум кун тартибидаги барча масалалар батафсил муҳокама этилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Беҳзод ШУКУРОВ
Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2009 йил 15 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика Ҳукуматининг шу йил 13 февралдаги мажлисида белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича биринчи чорак якунлари муҳокама қилинди ҳамда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини мамлакат иқтисодиётига таъсирини олдини олиш ва бартараф этишга йўналтирилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишни жадаллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,9 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 9,9 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 12,5 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ўсиши 5,7 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши 16,6 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 12,1 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилиши таъминланди, инфляция даражаси прогноз параметрлардан юқори бўлмади.

Таркибий қайта ўзгартиришлар ва иқтисодиётни диверсификациялаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши инвестицияларнинг 31,4 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 2,5 баравар кўпайишини таъминлади. Ҳисобот чорагида 54 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Наманган вилоятидаги «МРТ Текстиль» ва «Клайна текстиль», Фарғона вилоятидаги «Бешариқ текстиль», Тошкент шаҳридаги «Айтуг текстиль», Сирдарё вилоятидаги «Мили Гулистон текстиль» қўшма корхонаси тўқимачилик корхоналари, Қашқадарё вилоятидаги «Китоб оқила сут» сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашни кучайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, шу жумладан, солиқ юкини янада камайтирилиши, текширишлар сонининг кескин қисқартирилиши ва имтиёзли кредит беришни кенгайтирилиши кичик бизнес ва хизматлар соҳасини янада ривожлантиришни таъминламоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

ЧЕЛОНҒУДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Ромитан туманида касб-ҳунар коллежлари сони яна биттага кўпайди. «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 9-қурилиш-монтаж фирмаси жамоаси туманнинг олис қишлоғи — Челонғуда педагогика коллежи қуриб фойдаланишга топширди.

— Замонавий меъморчилик андазалари асосида бунёд этилган уч қаватли бинода 795 нафар ўқувчи билим ва касб ҳунар сирларини ўрганади, — дейди коллеж директори Шуҳрат Исматов. — Билим масканида — бошланғич таълим, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, мактабгача ва оилавий таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорти йўналиши бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш учун барча имкониятлар яратилган.

Даврон БАҲРОНОВ

«МИКРОКРЕДИТБАНК» КЎМАГИ БИЛАН

Ўтган йили «Микрокредитбанк»нинг Тўрақўрғон мини банк бўлими қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш мақсадида 81 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди.

— Бу маблағ асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантиришга йўналтирилади, — дейди мини банк бошлиғи Сирожиддин Мирзаолимов.

Кейинги лойиҳаларга кўра «Микрокредитбанк» кўмаги билан ажратилган кредит ресурслари туфайли 470 та янги иш ўрни яратилади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

Бу йил Самарқанд давлат университетини 29 йўналиш бўйича 1720 нафар бакалавр ва 53 йўналиш бўйича 312 нафар магистр битиради.

Битирувчиларни иш жойларига тақсимлаш, уларнинг ўз йўналишлари бўйича фаолият олиб боришига кўмаклашиш мақсадида вилоятдаги халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, корхона ва ташкилотларнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ўрганилиб, дастлабки келишувларга эришилди. Ўқув йили бошидан буён ҳар бир факультетда иш берувчилар билан учрашувлар ўтказилиб, корхона ва муассасалардаги шарт-шароит, ҳуқуқ ва бурчлар тушунтирилмоқда.

— Бугунги кунда вилоят халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаларининг хатлари асосида 975 нафар бакалавр ва 73 нафар магистр умумтаълим мактабларига, 299 нафар бакалавр, 114 нафар магистр эса коллеж ва академик лицейларга ишга тақсимланди, — дейди университет маркетинг бўлими бошлиғи Мавсум Раҳматов. — Шунингдек, 30 нафарга яқин магистр олий таълим муассасаларида фаолият олиб боради.

Бундан ташқари, 210 нафардан зиёд мутахассисни ишга қабул қилиш бўйича иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги идоралардан таклифлар тушган. Умуман, ҳозиргача 1700 дан зиёд битирувчи талабалар учун иш жойлари аниқланди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

✓ Фракция фаолияти

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолаверади

2-бет

• **МАҲАЛЛАНИ СИЁСАТ МАЙДОНИГА АЙЛАНТИРАЁТГАН КИМ?**

ёки ЎзЛиДеПнинг сўзи билан иши бошқалиги хусусида

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

• *Шимолий Корея:*

ЯДРО МУАММОСИ

яна қайтадан «газак» олди

БМТ Хавфсизлик Кенгаши 2006 йил октябрда Шимолий Кореяга нисбатан жорий этган санкция талабларини янада кучайтириши мумкинлигини эслатиб, бошқа баллистик ракета учирмасликни талаб қилмоқда.

3-бет

Миллат ва маънавият

• **ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЯНГИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

ушбу 5 томлик китобда 80 мингдан ортиқ сўз ва иборалларга шарҳ берилган.

4-бет

Сўз масъулияти

МАҲАЛЛАНИ СИЁСАТ МАЙДОНИГА АЙЛАНТИРАЁТГАН КИМ?

ёки ЎзЛиДеПнинг сўзи билан иши бошқалиги хусусида

Мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, халқимизнинг онги, тафаккурида юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар сиёсий партиялардан катта масъулият ва амалий ишларни талаб қилмоқда. Бугун сиёсий майдонда ўз мавқеини мустаҳкамламоқчи, ўз тарафдорларини кўпайтирмоқчи бўлган партия жозибадор гаплар, шиорлар билан мақсадга эриша олмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бироқ, ҳали-ҳануз баландпарвоз ваъдалар, енгил йўллар билан эътиборни тортиш, обрў қозонишга уринишлардан қутула олмаётганга ўхшаймиз.

Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг нашри «XXI аср» газетасида (шу йил 9 апрель) босилган «Маҳалла сиёсат майдони эмас ёки Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҲДПлаштириш сиёсати хусусида» сарлавҳали мақола бунга мисол бўла олади.

Аввало, шуни таъкидлашни истардикки, бирор бир сиёсий куч иккинчисининг фикри, таклифи, фаолиятига нисбатан муносабат билдиришини табиий ҳол деб қабул қиламиз. Ўзаро баҳс-мунозара камчиликларимизни тузатишга, ҳақиқатни ойдинлаштиришга ва охир-оқибат жамиятга фойда келтиришга хизмат қилишини ҳам яхши англаймиз.

Афсуски, «XXI аср»даги мазкур мақолада кўтарилган муддао жуда ғалати, кишини таажжубга соладиган даражада ажабланарли. Тўғриси, «ҲДП маҳаллани сиёсат майдонига айлантирмоқда, маҳаллани ҲДПлаштирмоқда», деган даъвога ҳам, масаланинг бу тарзда қўйилишига ҳам тушуниш қийин бўлди.

Бундайин жиддий айбномага асос етарлими? ҲДП партиявий дастуридан четга чиқилдими, амалдаги Қонун талабларига зид иш қилиндими? Маҳаллани сиёсийлаштириш нималарда кўринмоқда? ҲДП маҳалла фуқаролар йиғини раҳбарлигига номзод кўрсатдими? Уларнинг ички ишларига аралашяптими, ҳисоботларини сўраяптими?..

Мақола муаллифининг **«...тажрибали партия маҳаллаларни ҲДПлаштириш сиёсатига шунчалар берилиб кетдики, бу жойларда ана шу партия фаолиятига, унинг ғоя ва мақсадларига ишонч билдирган ёки хайрихоҳ бўлган фуқароларни чалғитишга сабаб бўлди, холос»,** — деган қатъий хулосасини қандай тушуниш мумкин? Бундай узил-кесил баҳо беришга — ҳукм ўқишга муаллиф ёки ЎзЛиДеПнинг қанчалик асоси ёки ваколати бор? Бу билан ЎзЛиДеПнинг ўзи бошқаларни чалғитмаяптими?

Маҳалла билан ҳамкорликка келсак, буни инкор этмаймиз. Партиямиз ташкил этилган дастлабки пайтларданоқ барча жамоат ташкилотлари, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳам ҳамкорликда иш юритишга ҳаракат қилиб келмоқда. Чунки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари, айниқса, ижтимоий адолат масаласи Ўзбекистон ХДП Дастурига ҳамоҳанг. Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун ажратиладиган маблағларни ўз ўрнида ва самарали фойдаланилишини таъминлаш ваколатлари берилган. Шунинг учун ҳам бу масалалар ЎзХДП диққат-эътиборидан четда қолмайди.

Ўтган йилнинг ўрталарида ЎзЛиДеП веб-сайтида «Партиявий сўз» рукни остида мазкур партия Сиёсий Кенгаши Ижроқўми раиси Муҳаммадюсуф Тешабоевнинг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш жараёнида ЎзЛиДеП» номли маърузаси, «Конституциявий Қонун ва ЎзЛиДеП фаолияти» сарлавҳали мақоласи кетма-кет эълон қилинди.

М.Тешабоевнинг «партиявий сўз»ларидан кўчирма келтирамиз. **«ЎзЛиДеП барча ташкилий ва тарғибот кучларини ҳамда воситаларни асосий мақсад — маҳаллаларда партиявий таъсирнинг реал марказларини яратишга сафарбар этиши зарур, деб ҳисоблайди».** Ана, кўрдингизми? Агар маҳалла — сиёсий майдон эмас экан, унда раис нега бундай деяпти? У.Арслонбеков мақоласида «ҲДП яқин кунларда маҳаллалар билан ишлайдиган махсус марказлар очар экан-да, деган фикр хаёлингдан ўтади», деган киноя бор. ЎзЛиДеП раиси эса маҳаллаларда реал марказларни яратишга топшириқ берганига анча бўлди.

Ўтган 2008 йил давомида Сиёсий Кенгаш Ижроқўми қарорига асосан мамлакатнинг барча ҳудудларида **«ЎзЛиДеПнинг ўзини ўзи бошқарув органлари билан фаол ҳамкорлиги — кенг имкониятлар манбаидир»** шиори остида тадбирлар уюштирилди.

Хулоса чиқаришга шошилмай, яна бир ҳужжатга эътибор қаратайлик. Ўтган йилнинг 2 октябрида мазкур партия «Олий Мажлис Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарори ижросини самарали таъминлашга қаратилган оммавий ташкилий ва партиявий тушунтириш тадбирларини ўтказиш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди.

Бунга қандай изоҳ бериш мумкин?

«Самарали таъминлаш» яъни «самарали фойдаланиш» ортида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига имкон қадар ЎзЛиДеП аъзолари ва тарафдорлари сайланишига эришиш мақсади турганлиги партиянинг кейинги ҳаракатларида яққол ошкор бўлди. «XXI аср» газетаси саҳифаларида айтилган айрим фикрларга эътибор берайлик:

«Бошланғич партия ташкилотлари маҳалла ҳаётига қанчалик чуқур кириб борсалар... партиянинг обрўйи ва нуфузи ҳам ортиб бораверади». «Айни кунларда... қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловига жиддий тайёргарлик кўрилмоқда... Учрашувлар ўтказиляпти... Ана шундай учрашувлар туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг туман Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташаббуси билан «Чанги» ва «Булоқбоши» қишлоқларида бўлиб ўтди». Бундай мақолаларни кузатишда давом этсангиз, ЎзЛиДеПнинг маҳаллага муносабат борасидаги мақсад-муддаоси тобора равшанлаша боради. Газетанинг 2009 йил 5 март сонидаги хабарлардан бирида шундай дейилади: ***«Тадбирда сўзга чиққан А.Аҳмедов (ЎзЛиДеПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати — изоҳ бизники) МФЙ раисларини O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси номидан муқобиллик асосида ўтказилган сайловларда ғолиб чиққанлари билан самимий табриклаб, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда уларга муваффақиятлар тилади».***

Буни қандоқ тушунмоқ керак? Нима бу, фуқаролар йиғини раиси сайландими ёки партия ташкилоти раисими? Эҳтимол, ЎзЛиДеПчилар маҳалла фуқаролар йиғинини ўз партияларининг бир бўлаги деб ҳисоблашаётгандир? «Ишончли қўрғон» деган мақолада эса янада ҳайратланарли сўзларни ўқийсиз. **«Мазкур тадбирга (фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови назарда тутилмоқда — изоҳ бизники) Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сурхондарё вилоят Кенгаши ҳам пухта ҳозирлик кўрди. Воҳадаги мавжуд 820 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларига партия фаолларининг номзодлари ҳам кўрсатилди... Ана шундай шарафли вазифага кўплаб O`zLiDeP аъзоларининг ... сайланаётгани ҳам қувонарли ҳолдир».**

Қаранг, партия кенгаши фуқаролар йиғини раислари сайловига пухта ҳозирлик кўрмоқда, бу сайловга партия фаоллари номзодлари кўрсатилаётганмиш ва бу сайловда ЎзЛиДеП аъзолари сайланганидан қувонишмоқда.

Бундай «сиёсий саводхонлик»ка изоҳ керакми? Ушбу мисоллар маҳаллани сиёсийлаштиришга, «Лидеплаштириш»га уриниш эмасми? Ёки мазкур партия «маҳаллага киришга фақат биз ҳақлимиз, бошқалар четда туриши керак», деб ўйлаяптими?

Юқорида айтилганидек, ҲДП маҳаллаларда тадбирлар ўтказмоқда. Лекин биз бу сайловларни сиёсийлаштиришдан эҳтиёт бўлдик. Чунки, фуқаролар йиғини раҳбарларини сайлашда сиёсий партиялар иштироки қонунчиликда кўрсатилмаган. Маҳаллаларда ўтган сайловлар унинг ноёб демократик институт эканини яна бир бор исботлади. Буни хорижий сиёсатчилар ҳам эътироф этишмоқда.

Мақоладаги ҳамма даъволарга бирма-бир муносабат билдириб ўтиришга ҳожат йўқ деб ҳисоблаймиз. Аммо, бир масалага ойдинлик киритиб ўтмасак бўлмайди. ХДП маҳаллани ўз манфаати йўлида сиёсий майдонга айлантираяпти, деган даъво кетидан шундай дейилади: «ХДПнинг бундай йўлини баъзи таҳлилчилар чўкаётган одамнинг хасга ҳам, хашакка ҳам ёпишаётган ҳолатига ўхшата бошладилар» («Хасга ҳам, чўпга ҳам» деган шеклли — изоҳ бизники). Яна ҳайрон қоласан киши. Бу билан муаллиф нима демоқчи? Бу «чўкиш»ни у нималарда кўрмоқда? Юқоридан қараган бўлса, ҲДПни чўкаяпти дейишга ҳеч қандай асос йўқ деб ҳисоблаймиз. Агар пастдан — сув остидан туриб қараган бўлса, унга шундай туюлган бўлса ажабмас. Бу ўринда биз учун ЎзЛиДеПнинг эмас, балки жамоатчилик фикри муҳим. «Ижтимоий фикр» Маркази ўтган йил охирида «Мамлакатимиздаги қайси сиёсий партия сизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий қарашларингиз ва манфаатингизни тўликроқ ифода этмоқда? Агар республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига эртага сайлов ўтказиладиган бўлса, тўртта сиёсий партиядан қайси бирининг вакилига овоз берган бўлардингиз?» — деган сўровномаси натижалари билан ЎзЛиДеП фаоллари танишиб чиқишини тавсия қилган бўлардик. Унда қайси партиянинг аҳволи қандайлиги кўриниб турибди.

Ҳар ҳолда «Партиявий сўз» айтадиган одам бу даражада алаҳсирамаслиги керак деб ўйлаймиз. Муаллиф Умид Арслонбеков ўз мақсади йўлида оддий журналист этикасидан ҳам чекинган кўринади. У ХДП «чўкаётгани»ни тасдиқлаш учун бўлса керак, «Муборак шаҳридаги Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Клара Ярқинбоеванинг сўзига эътибор беринг, — дейди-да уни «гапиртиради»: — «Очиғи мен қачон ҲДПга аъзо бўлганимни эслай олмайман... маҳалла раислигига сайландиму мени ХДП аъзосига айлантириб қўйишибди».

ЎзХДП Муборак туман кенгаши бу масала билан қизиқиб кўрди. Агар Умид Арслонбеков ҳақ гапни ёзган бўлса, айбдорга чора кўриш, хатони тўғрилаш керак эди. Лекин, маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ўз қўли билан ёзган аризасини ўқийлик: «Мен ХДП аъзоси бўлиб 1991 йилдан буён келганман. Нимага мен буни эслай олмас эканман?.. Мен бундай деганим йўқ эди-ку. Нима учун мухбир менинг сўзларимни айлантириб тескари ёзган?.. Бунга ким жавоб беради?».

Мақолада ёзилишича, Муборак туманидаги Ҳусан Каримов номли маҳалла раиси Тошмамат Каримов ҳам «Кутилмаганда ХДП аъзосига айланиб қолганимдан ҳайрон бўлиб қолдим», дейди. ЎзХДП Муборак туман кенгашига ёзган аризасида эса «Маҳалла сиёсат майдони эмас» номли мақола муаллифини кўрмагани, газетага интервью ҳам бермаганини айтиб, «Менинг шаънимга газетада айтилган фикрлар нотўғрилиги учун газета жавоб бериши керак», деб талаб қўяди.

«Самарқанд дарвоза» маҳалласи оқсоқоли Зухрилла Самиғжонов эса «Маҳалла сиёсат майдони эмас» сарлавҳали мақоладаги «Бир неча бор мурожаат қилсам партия раҳбарияти эътибор ҳам қилмади», деган жумла мен томондан айтилмаган», — дейди.

Бу ўринда аслида ким нима дегани уларнинг виждонига ҳавола. Ҳар ҳолда, икки-уч кишининг фикри билан бир партияга бўлган муносабат ўзгариб қолмайди. Лекин мақола муаллифининг бундай «усули» ҳеч қачон, ҳеч кимга обрў келтирмайди.

Адолат юзасидан шуни ҳам айтиш керакки, ушбу мақола бизни маҳалла фуқаролар йиғини билан сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорлик доираси, меъёри ҳақида яна бир бор ўйлашга ундади. Маҳалланинг минг йиллардан буён одамларнинг ҳамжиҳатлиги, тинч-тотувлигини, ижтимоий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилиб келаётган, ҳаммага баб-баравар меҳр-оқибат кўрсатадиган маскан эканини қадрлаган, халқимизнинг менталитетини ҳисобга олган ҳолда унинг сиёсийлашуви тарафдори эмасмиз. Аммо, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла билан ҳамкорлик мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг гапда «маҳалла сиёсат майдони эмас» деб, амалда эса зўр бериб маҳаллани ўз таъсир доирасига олишга, маҳалла тимсолида ЎзЛиДеП таянч пунктларини яратишга уриниши билан асло келиша олмаймиз.

Башар АЗИЗОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ҳисобот чорагида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ўтган йилнинг тегишли давридаги 35,1 фоиз ўрнига 36,2 фоизгача ва хизматлар соҳасининг улуши 44,4 фоиз ўрнига 45,5 фоизгача кўпайди.

Ривожланишнинг энг муҳим мақсадли комплекс дастурлари ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши 208,6 мингта янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди.

Мажлисда Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилиши, шу жумладан, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари таннархини пасайтириш ва шу асосда уларнинг экспорт ҳажмини кенгайтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга, банк кредитлари бўйича, истеъмол қилинган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар учун қарздорликни кечиктириш шаклида экспорт қилувчи корхоналарни бюджет орқали ва кредит бериш йўли билан қўллаб-қувватланганлиги қайд этилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажми 6,1 фоизга ўсди, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди.

Шу билан бирга, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзқурилишматериаллари» компаниялари, «Ўзфармсаноат» концерни, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги раҳбарларига янги бозорларга чиқиш, маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва корхоналарда маркетинг ишларини кучайтириш ҳисобига маҳсулот экспортини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини танқидий таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни жадаллаштириш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун жалб этилаётган инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг раҳбарлари олдига тармоқлар ва корхоналарни инновация жиҳатдан ривожлантиришни таъминлашга, стратегик инвестиция лойиҳалари ва техник жиҳатдан модернизация қилиш лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва экспертизадан ўтказилишини мувофиқлаштиришни кучайтиришга йўналтирилган тизимли ишларни ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Мажлисда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш, шу жумладан, буни маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш орқали таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши батафсил муҳокама қилинди. Мамлакат Президентининг қарорлари билан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг кенг рўйхати, шунингдек, мазкур қарорларда уларга имтиёзли кредит беришни кескин оширишга доир белгиланган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва ички бозорни улар билан тўлдириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиши қайд этилди.

Хўжалик бирлашмалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари олдига озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрлари бажарилишини, шунингдек, уларни аҳолига узлуксиз етказиб берилишини сўзсиз таъминлашга йўналтирилган аниқ вазифалар қўйилди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, ободонлаштириш ишларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни, шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар Ҳукумат мажлиси иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Ҳисобот чорагида 249,1 км. газ ва 237,7 км. сув қувурлари тармоқлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда 220,6 км. газ ва 202,9 км. сув қувури тармоқлари ишга туширилди, 1441,8 минг кв.м уй-жой, шундан қишлоқ жойларда 1219,8 минг кв.м якка тартибдаги уй-жой қурилди. Йўллар қуриш, қишлоқни янада ривожлантириш ва ободонлаштиришнинг ресурс, институционал ва ташкилий базасини яратиш юзасидан кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Мажлисда компаниялар, уюшмалар ва республиканинг ҳудудлари бўйича дебитор ва кредитор қарздорликнинг ҳолати, шунингдек, муддати ўтган қарздорликни қисқартириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги танқидий кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди. Истеъмолчиларга етказиб берилган ресурслар учун муддати ўтган қарздорликни, шунингдек, электр энергияси ва газнинг техник ва тижорат жиҳатдан исроф бўлишини камайтириш бўйича етарлича иш олиб борилмаётганлиги учун «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз» компаниялари, бир қатор вилоятларнинг ҳокимликлари фаолияти танқид қилинди.

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзтрансгаз» ва «Ўзбекэнерго» компанияларига Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, тижорат банклари ва вилоятлар ҳокимликларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукуматининг мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

(Давоми. Боши 1-бетда)

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолаверади

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲДП фракцияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган тингловчилар, институт профессор-ўқитувчилари, аспирантлар, клиник ординаторлар ва депутатларнинг мулоқоти Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида белгиланган устувор йўналишлар ҳамда вазифалар таҳлилига бағишланди.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, фракция раҳбари Аслиддин Рустамов, депутат Боймурод Юсупов мавзунинг асосий жиҳатлари хусусида сўз юритдилар.

Унда молиявий инқироз жаҳоннинг кўплаб тараққий топган давлатларида оғир оқибатлар келтириб чиқараётгани алоҳида таъкидланди. Табиийки, инқироз жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти бўлган Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмайди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан инқирознинг олдини олиш, салбий оқибатларини енгиллаштириш чораларини кўрди, аҳволни мўътадиллаштириш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилди. 2009-2012 йилларда Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда. Банк-молия сиёсати изчиллик билан амалга оширилаяпти.

Учрашув қизғин савол-жавоб асосида ўтди.

Савол: — *Инқироз натижасида аҳолининг, хусусан тиббиёт муассасалари ходимларининг ижтимоий муҳофазаси қандай бўлади?*

Жавоб: — Ишонч билан айтиш мумкинки, ҳар қандай шароитда, ҳаттоки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади. Биз 2009 йилги мамлакатимиз Давлат бюджетида ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағ миқдори камайгани йўқ. Умумий харажатнинг 54 фоизини ташкил этади. Шу жумладан, тиббиёт тизимига ажратилган маблағ ҳам камайган эмас.

Савол: — *Инқироз қачон ўтиб кетади?*

Жавоб: — Инқироз жаҳон тарихи учун янгилик эмас. 1920 ҳамда 1990 йилларда ҳам шундай ҳодисалар кузатилган. Лекин ҳозирги жараёнда у глобал аҳамият касб этмоқда. Демак, бу масала жаҳон молиявий-иқтисодий тизими билан чамбарчас боғлиқ. Айни пайтда дунё мамлакатлари тангликдан чиқиб кетиш чораларини кўраяпти. Инқирозни тугатиш муддатлари ҳам айрим иқтисодчилар, таҳлилчилар томонидан тадқиқ этилмоқда. Аммо инқироз қачон ниҳоясига етишини ҳозирда аниқ айтиш қийин.

Савол: — *Бугунги кунда, шунингдек, дунёда озиқ-овқат тақчиллиги, нархнинг ошиши кузатилаяпти. Инқироз даврида бу табиий ҳол, албатта. Аммо бизнинг бозорларимизда нарх-наво арзонлашди. Бунинг сабаби нима?*

Жавоб: — Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасида ҳукуматимиз аҳоли учун етарлича озиқ-овқат захираси жамлаган. Ҳозирги кунда улар бозорларга чиқариляпти ва озиқ-овқат тақчиллигига йўл қўйилмаяпти. Ундан ташқари, нархларнинг асоссиз ошиб кетишига қарши чоралар кўрилмоқда.

Шунингдек, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган яна кўплаб саволларга батафсил жавоб олишди.

Асли КАМОЛ.
Сурат муаллифи Абдивоси ҲАЙДАРОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ Милиция таянч пунктларида

ТИНЧЛИГИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Когонга етиб борганимизда шом чўккан эди. Шаҳар уйғоқ, осойишта. Кимдир уйига, тўйга, яна бировлар темир йўл вокзалига, бир гуруҳ болалар эса спорт мажмуасига шошилади.

— Мана, манзилга ҳам етиб келдик, — дейди ҳамроҳим Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов муҳташам бино олдида тўхтаркан. — Бу Файзулла Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғини маркази. 48-милиция таянч пункти ҳам шу ерда жойлашган.

Ўрта бўй, формаси ўзига ярашган, истараси иссиққина йигит бизга пешвоз чиқди. Мақсадимизни билгач, у «Профилактика катта инспектори» деган ёзуви бор хонага бошлади. Бу йигит «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танлови ғолиби, милиция катта лейтенанти Файзулла Ганжиев эди.

Қоракўлда туғилиб вояга етган Файзулла эндигина 26-баҳорни қаршиламоқда. 2005 йилда Ички ишлар вазирлиги Академиясини тамомлаб, тўғри Когон шаҳрига ишга келган. Мана тўрт йилдирки, маҳаллада профилактика катта инспектори лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

— Ҳудудимизда 638 оила бўлиб, уларда уч мингга яқин киши яшайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулчеҳра Рўзиева. — Файзуллажон, профилактика инспектори Алишер Турсунов, вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори Акмал Зоҳидов, посбонлар сардори Шерали Раҳмоновларни ҳамма ҳурмат қилади. Улар билмаган фуқаро, кирмаган хонадоннинг ўзи йўқ, ҳамиша одамлар орасида. Тиним билишмайди, ҳамкорликдаги фаолиятимиз маҳсулини эса кўриб турибсиз.

Ҳудудда яшовчи аҳолининг аксарияти ёшлар, вояга етмаганлар. Маҳалла марказида спорт майдони бор. Спорт тўгараклари ишлаб турибди. Қўлидан иш келадиганларни муқим иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бундан ташқари тикувчилик цехи, сартарошхона, гўзаллик салони, ахборот-ресурс маркази, интернет клуби мавжуд бўлиб, уларда юзлаб ёшлар меҳнат қилмоқда.

— Мен Пахтакор кўчасида яшайман, — дейди машғулотдан қайтаётган Зарина Каримова. — Ҳар куни дарсдан сўнг енгил атлетика тўгараги машғулотларида қатнашаман. Бизда кўпчилик ёшлар бирор бир спорт тури билан шуғулланади.

— Мен ҳам милиция ходими бўлганман, — дейди ўзини Ғулом Муродов деб таништирган киши. — Ҳозир нафақадаман. Ҳамкасбларим мендан доимо хабардор, улардан маслаҳатимни аямайман, ҳалол ишланглар, одамларга яқин бўлинглар, шунда сизга халқнинг ўзи баҳо беради, дейман. Ахир кечаги танловдаги ғолиблик элнинг эътирофи эмасми? Ўтган йили ёшлар ичида бирорта жиноят содир этилмаганлиги ҳаммамизнинг энг катта ютуғимиздир.

Дарҳақиқат, шу йил январь ойининг охирида жиноятларга қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, осойишталикни таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Тошкентда бўлиб ўтган «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида III ҳудуд бўйича мазкур 48-милиция таянч пунктига I даражали диплом ҳамда «МАТИЗ» автомашинаси берилди. Милиция таянч пункти инспекторлари фуқароларнинг оғирини енгил, мушкулини осон, узоғини яқин, айниқса, ҳуқуқий муаммоларини ҳал қилувчи маскан сифатида эл ҳурмати ва ишончини қозониш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай хизмат қилишмоқда.

Биз Файзулла билан суҳбатимизни узоқ давом эттирмадик. Қаергадир шошиб тургани ҳаракатларидан сезиларди. Маҳмуд Торобий кўчасида яшовчи якка-ёлғиз Бафобобо Бердиевдан ҳол-аҳвол сўраши кераклигини, эртага 2-мактабда ҳуқуқий мавзуда учрашуви борлигини билганимиздан сўнг у билан хайрлашдик. Қолган йигитларнинг ҳам вақти жуда тиғиз экан.

Когондан қайтарканмиз, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги фидойи инсонларнинг машаққатли меҳнатлари билан боғлиқ эканлигини яна бир бор ҳис қилдик.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Адлия ва ислоҳот

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ҲИМОЯСИ ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш юртимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бу борада қатор ишлар қилинмоқда. Адлия тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида бўлим ташкил этилгани ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига эътибор нечоғли юқори эканлигининг исботидир.

Наманган вилоят адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига Норин тумани, А.Шамсуддинов кўчаси, 25-уйда яшовчи фуқаро Н.Рустамова томонидан ишдан ноқонуний бўшатилганлиги тўғрисида ариза тушган эди. Масала мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди. Ростдан ҳам ишдан бўшатишда қонунбузарлик содир этилганлиги аниқланди. Н.Рустамовани ишга тиклаш бўйича Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилди. Н.Рустамова ишга тикланди.

Наманган туманидаги Қорасув қишлоғида яшовчи фуқаро Н.Қодиров ҳам ўзининг ноқонуний ишдан бўшатилганлигини маълум қилган. Ушбу мурожаат ўрганиб чиқилиб, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига уни ишга тиклаш ва маънавий зарарни ундириш юзасидан даъво ариза киритилди. Суд фуқаро Н.Қодировни ишга тиклади ҳамда вилоят стоматология шифохонасидан 50000 сўмлик маънавий зарар ундириладиган бўлди.

Ўтган йили идорамиз томонидан шаҳар ва туманларда давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг иш фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан жами 46 та идора ва ташкилотлар фаолияти ўрганилди. Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича 78 та тақдимнома киритилди. Тақдимномаларга асосан 117 нафар мансабдор шахс интизомий жазога тортилиб, шундан 9 нафари вазифасидан озод этилди.

Масалан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун бузилишларга йўл қўйганлиги учун Тўрақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси хавфсизлик техникаси муҳандиси К.Камоловга, Уйчи туман бандликка кўмаклашиш марказининг шўъба бошлиғи Ғ.Жўраев ва Жийдакапа ҚФЙ инспектори С.Фазлиддиновларга «ҳайфсан» интизомий жазоси берилди.

Бир сўз билан айтганда, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш — барчамизнинг умумий бурчимиз. Вазифамизни сидқидилдан адо этиш фуқароларнинг амалга оширилаётган ислоҳотларга ишончини оширади ҳамда фуқаролик позициясини мустаҳкамлайди.

Алижон ОЧИЛОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

✱ Шарҳ

Шимолий Корея: ЯДРО МУАММОСИ

яна қайтадан «газак» олди

Ҳозир Шимолий Корея ҳақида гап кетадиган бўлса, кўпчилик ядро муаммоси юзасидан бўлиб ўтган тортишувлар, баҳс-мунозаралар ва ҳатто айтиш мумкинки, можароларни эслайди. Бу муаммо 15 йилдирки, якунини топмаяпти.

Кейинги салкам 2 йилга яқин вақт мобайнида бу масала жаҳон жамоатчилиги эътиборидан бироз четда қолган эди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 2007 йил февраль бошида Пекинда бўлиб ўтган олти томонлама — Россия, Хитой, АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва Шимолий Корея делегациялари иштирокидаги музокараларда ўзаро келишувга эришилгач, вазият сал юмшагандек бўлганди. Яъни Шимолий Корея (Корея Халқ Демократик Республикаси — КХДР) Йонбендаги ядро объектини 60 кун ичида ёпиши, ядро дастури бўйича барча рўйхат-ҳужжатларни музокара иштирокчиларига тақдим этиши, ядро реакторини қисмларга ажратиб бузиши, бунинг эвазига «олтилик» томонидан КХДРга дарҳол 50 минг тонна энергия манбаси — мазут, кўмир, газ ва электр энергия (мазут эквивалентида) етказиб берилиши (бир йил давомида эса 950 минг тонна) лозим эди. Томонлар шундай тўхтамга келганлари учун вазият бироз юмшагандай бўлди.

Аммо, ваъда ваъдалигича қолди. КХДР ядро объектини бузишни бошлагач, 50 минг тонна мазут берилди холос. Шундан сўнг бу борада деярли амалий иш қилинмади. Шу билан бирга, КХДРнинг тақдим этган ядро дастури АҚШни қониқтирмади. Ядро объектини текшириш борасида эса расмий Вашингтон билан расмий Пхеньян келиша олмади. Ўзаро бир тўхтамга келинган 2007 йил музокаралари шу кўйи боши берк кўчада қолди.

Жорий йилнинг 5 апрелида КХДР томонидан тажриба тарифасида «Кваменсон-2» («Ёрқин юлдуз») алоқа сунъий йўлдоши учирилган «Инха-2» («Сомон йўли») ракетаси айнан мана шу туртки вазифасини бажарди. Расмий Пхеньян БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1718-резолюцияси талабларини бузганликда айбланди. Ушбу резолюция КХДРнинг баллистик ракета яратиш ва учириш билан шуғулланишини тақиқлайди.

Ғарчи, Шимолий Корея сунъий йўлдош учирганлиги ҳақида расмий баёнот берган бўлса-да, Ғарб ҳарбий экспертлари қитъалараро баллистик ракета синовдан ўтказилганлигини, орбитада бирорта янги сунъий йўлдош пайдо бўлмаганини айтмоқдалар.

Ўз навбатида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 13 апрелдаги очиқ мажлисида айблов баёноти қабул қилинди. Бундан эса Шимолий Корея маъмурияти дарғазаб бўлди ва 2003 йил августдан бери давом этаётган, лекин якунини топмаётган олти томонлама музокаралардан чиқишини, Йонбендаги ядро объектини қайта тиклаб, ишга туширишини эълон қилди (Эсингизда бўлса, КХДР айнан шу ерда ядро воситасини яратишда фойдаланиладиган плутонийни олган ва 2006 йилнинг октябрида ерости ядро синовини ўтказган эди).

Расмий Пхеньян «енгил сув» реакторли АЭС қуришни режалаштирмоқда.



КХДР маъмурияти БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ракета учирилиши юзасидан билдирган қатъий муносабатини олти томонлама музокараларда қабул қилинган тенглик ва суверенитетни ҳурмат қилиш принципларига зид, дея баҳолади.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши эса 2006 йил октябрда Шимолий Кореяга нисбатан жорий этган санкция талабларини янада кучайтириши мумкинлигини эслатиб, бошқа баллистик ракета учирмасликни талаб қилмоқда.

КХДРнинг олти томонлама музокаралар таркибидан чиқиши ҳақидаги баёноти жаҳон ҳамжамиятини яна жунбушга келтирди. Россия, Еврокомиссия, Хитой, Япония вакиллари КХДРни «олтилик» таркибидан чиқмасликка, музокара столига қайтишга чақирмоқда.

Шу ўринда Корея Халқ Демократик Республикасининг ядро дастури билан боғлиқ муаммо қачон юзага келган эди, деган савол пайдо бўлиши табиий. Бу ўринда XX асрнинг 1994 йилида юз берган воқеаларни эсга олайлик.

Ўшанда Корея ярим оролида илк бор ядро муаммоси юзага келганди. АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Билл Клинтон маъмурияти КХДР вакиллари билан Женевада учрашиб, Йонбендаги ядро реакторини «музлатиш», унинг ўрнига АҚШ бошчилигида Корея ярим оролида энергетикани ривожлантиришга кўмаклашувчи ташкилотлар консорциуми ёрдамида «енгил сув»да ишловчи иккита реакторли АЭС қуриб бериш ҳақида келишиб олинган эди. Биринчи реактор ишга туширилгунча Шимолий Кореянинг иссиқлик электр станциялари учун мазут етказиб беришни АҚШ ўз зиммасига олган ва ишлар шу кўйи бошланганди. Аммо, Билл Клинтон маъмурияти давлат бошқарувидан кетгач, бу борадаги ишлар яна тўхтаб қолди. АЭС қурилиши эса пойдевори тикланганича қолиб кетди.

АҚШнинг кейинги президенти — Жорж Буш бошқарувидаги маъмурият билан КХДР ўртасида келишмовчиликлар юзага кела бошлади, икки ўртада совуқ муносабат пайдо бўлди. Бу эса бир неча йиллардан бери давом этиб келмоқда. Бугунга келиб Барак Обама бошчилигидаги АҚШнинг янги маъмурияти ҳам бу совуқликни илита олмаяпти.

Алимқул СУЛТОНОВ,
сиёсий шарҳловчи

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

2009 йилда жорий таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича таъмирлаб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
	ЛОТ 1-9:			
Лот-1	Жомбой туманидаги 840 ўқувчи ўринли 40-сонли мактабни жорий таъмирлаш	80 800 142 сўм	67 333 452 сўм	3 ой
Лот-2	Иштихон туманидаги 624 ўқувчи ўринли 41-сонли мактабни жорий таъмирлаш	92 090 987 сўм	76 742 489 сўм	3 ой
Лот-3	Иштихон туманидаги 834 ўқувчи ўринли 6-сонли мактабни жорий таъмирлаш	80 352 699 сўм	66 960 582 сўм	3 ой
Лот-4	Пастдарғом туманидаги 830 ўқувчи ўринли 50-сонли мактабни жорий таъмирлаш	79 950 673 сўм	66 625 561 сўм	3 ой
Лот-5	Нарпай туманидаги 784 ўқувчи ўринли 1-сонли мактабни жорий таъмирлаш	75 000 090 сўм	62 500 075 сўм	3 ой
Лот-6	Каттақўрғон шаҳридаги 900 ўқувчи ўринли 3-сонли мактабни жорий таъмирлаш	86 500 065 сўм	72 083 388 сўм	3 ой
Лот-7	Каттақўрғон туманидаги 784 ўқувчи ўринли 2-сонли мактабни жорий таъмирлаш	75 000 005 сўм	62 500 004 сўм	3 ой
Лот-8	Пахтачи туманидаги 844 ўқувчи ўринли 17-сонли мактабни жорий таъмирлаш	81 180 830 сўм	67 650 692 сўм	3 ой
Лот-9	Пахтачи туманидаги 784 ўқувчи ўринли 37-сонли мактабни жорий таъмирлаш	75 000 095 сўм	62 500 079 сўм	3 ой
	ЛОТ 1-8:			
Лот-1	Самарқанд шаҳридаги 960 ўқувчи ўринли 1-сонли мактабни жорий таъмирлаш	93 206 399 сўм	77 671 999 сўм	3 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳридаги 800 ўқувчи ўринли 14-сонли мактабни жорий таъмирлаш	78 032 737 сўм	65 027 281 сўм	3 ой
Лот-3	Самарқанд шаҳридаги 1250 ўқувчи ўринли 16-сонли мактабни жорий таъмирлаш	119 885 106 сўм	99 904 255 сўм	3 ой
Лот-4	Самарқанд шаҳридаги 960 ўқувчи ўринли 20-сонли мактабни жорий таъмирлаш	92 329 651 сўм	76 941 376 сўм	3 ой
Лот-5	Самарқанд шаҳридаги 1250 ўқувчи ўринли 29-сонли мактабни жорий таъмирлаш	119 839 646 сўм	99 866 372 сўм	3 ой
Лот-6	Самарқанд шаҳридаги 1250 ўқувчи ўринли 65-сонли мактабни жорий таъмирлаш	119 761 850 сўм	99 801 542 сўм	3 ой
Лот-7	Самарқанд шаҳридаги 1050 ўқувчи ўринли 47-сонли мактабни жорий таъмирлаш	100 854 877 сўм	84 045 731 сўм	3 ой
Лот-8	Самарқанд шаҳридаги 940 ўқувчи ўринли 42-сонли мактабни жорий таъмирлаш	91 305 743 сўм	76 088 119 сўм	3 ой

Қурилиш ишлари Мактаб таълимини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: *— Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.*

Буюртмачи манзили: *Самарқанд шаҳри, Ю.Ҳамадоний кўчаси, 50-уй, телефон: (8366) 233-60-40.*

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 16-00 да ўтказилади.



ВАКОЛАТ МУДДАТИ

узайтирилганлигини қўллаб-қувватлади

Афғонистондаги туркман қабилалари кенгаши ҳамда Ғарбий Ҳирот музофотидаги кўчманчилар кенгаши делегатлари ва Ҳирот музофотидаги уламолар кенгаши мамлакат Олий судининг амалдаги президент Ҳамид Карзай ваколат муддатини сайлов ўтгунга қадар узайтириш тўғрисидаги қарорини маъқуллади ва барчани буни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Афғонистонда президент сайлови 20 августда бўлиб ўтади. Ҳ. Карзайнинг ваколат муддати эса шу йил 21 майида тугайди.

«Афганистан.ru» сайтидаги хабарда баён этилишича, жорий йилда музофотлар кенгашларига ҳам сайловлар бўлиб ўтади.

ҚУЮН ВА ЁНҒИН

хавф солмоқда

АҚШ жанубида юзага келган қуюн ва ёнғин кучли шамол натижасида хавф-хатар кенгайиб бормоқда.

Британиянинг «BBC» телерадиокорпорацияси хабарига қараганда, 8 киши бу табиий офат қурбонига айланди. Яъни Теннеси штатида икки киши кучли шамол натижасида ҳаётдан кўз юмган бўлса, Арканзас ва Техас штатларида 6 киши ёнғин туфайли ҳалок бўлди.

Оклахома штатининг 30 та округида фавқулодда ҳолат жорий этилди. Бу ерда 100 та уй ёниб, кул бўлди, 34 нафар одам эса турли даражада куйиш билан шифохоналарга мурожаат этди.

Кучли циклон ёпирилиши оқибатида АҚШнинг нафақат жанубий, балки ғарбий ҳудудларида ҳам электр энергияси таъминотида узилишлар юзага келди.

Миллат ва маънавият

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЯНГИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

ушбу 5 томлик китобда 80 мингдан ортиқ сўз ва ибораларга шарҳ берилган

Халқимиз асрлар давомида она тилимиздаги сўзларни тўплаб, уларга жило бериб, кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келган. Бунинг натижасида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари пайдо бўлди ва шу асосда ўзбек лексикографияси шаклланди. Унинг негизида буюк адиб, ҳассос шоир Алишер Навоий асарлари маъносини кенг оммага етказиш учун «Санглоҳ», «Луғати атрокийа», «Хулосаи Аббосий», Толе Имонийнинг «Бадойи ал-луғат», Муҳаммад Ризо Хонларнинг «Мунтахоб ал-луғат», «Абушқа» сингари ўнлаб луғатлар майдонга келди. Бу даврда яратилган луғатлар ўзининг ранг-баранглиги, бойлиги билан алоҳида эътиборга молик. Шу тариқа, асрлар мобайнида ўзбек тилида луғат яратиш бўйича тажрибалар тўпланиб борди.

Ўтган асрнинг 40-йилларидан бошлаб ўзбек лексикографияси янги босқичга кўтарилди. Лексикографиянинг назарий асослари тадқиқ этилди ва у тилшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида шаклланди. Луғатларнинг хилмахил турлари пайдо бўлди. Бу эса ўзбек тилида умумий изоҳли луғатнинг тузилишида ўзига хос тайёргарлик ролини ўтади. Ниҳоят, 1981 йилда олтмиш минг сўзни ўз ичига олган икки жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нашр этилди. Унда ўзбек тилидаги барча сўзлар қамраб олинмаган бўлиб, изоҳлар ўша давр мафкураси нуқтаи назаридан ёритиб берилганди.

Орадан йиллар ўтиб ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Тилимизнинг ҳуқуқий-меъёрий жиҳатлари ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз мустақил бўлганидан сўнг она тилимиз учун кенг тараққиёт йўллари очилди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз билан боғлиқ янги тушунчалар пайдо бўлди ва тилимизга уларни ифодаловчи *лизинг, консалтинг, дилер, глобаллашув, депозит, рейтинг, сертификат, супермаркет, сканер, принтер,* сингари янги сўзлар кириб келди.

Нодавлат, туман, вилоят, ҳокимлик сингари бир қатор сўзлар янги мундарижа билан бойиди. Миллий қадриятларимизнинг тикланиши, уларга нисбатан бўлган муносабатнинг тамомила ўзгариши бундай тушунчаларни ифодаловчи лексемаларга ҳам жон киритди.

Шўролар тузуми ва мафкураси билан боғлиқ бўлган *совет, съезд, бюро* каби юзлаб сўзлар истеъмолдан чиқиб кетди. Икки жилдлик изоҳли луғатдан жой олган ва унинг деярли қирқ фоизини ташкил этган мустабид тузум воқелигини акс эттирувчи сўзларнинг кўпчилиги бугунги ҳаётимиз учун ортиқча бўлиб қолди.

Ўтган давр ичида ўзбек тилшунослиги ҳам сўзнинг мазмуний мундарижасини изоҳлаш борасида катта ютуқларни қўлга киритди. Лексикологияда лексемаларни узвий таҳлил қилиш усули устувор йўналишга айланди.

Бу янги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни яратиш масаласини тилшунос олимлар олдига кўндаланг қилиб қўйди. Давр талабига жавоб берадиган изоҳли луғатни тузиш ва чоп этиш ишлари шахсан Президентимиз ташаббуси билан бошланганининг ўзиёқ янги луғатнинг маънавий ҳаётимиз учун нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Бундай долзарб ва масъулиятли вазифани бажариш Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти зиммасига юклатилди.

Шу тариқа ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80000 дан ортиқ сўз ва ибораларни ўз ичига олган беш жилдлик изоҳли луғат дунё юзини кўрди.

Ўзбек тилининг янги изоҳли луғатида *озодлик, одобнома, вазирлик, девон, омбудсман, биржа, акциз, мустақиллик, парламент, тамаддун* сингари сон-саноқсиз лексемалар тўлиқ изоҳланган.

Изоҳли луғатда бугун истеъмолда қўлланилаётган баъзи бир сўзларга қисқа таъриф берилади:

НОУТБУК, нотбук (инглизча notebook — дафтар, ёзув дафтарчаси) одатда кичик ялпоқ чамадончага ўхшаш портатив шахсий компьютер; имкониятлари жиҳатидан оддий шахсий компьютерларга тенглаша олади ва уяли телефон орқали интернет билан боғланиши мумкин (3-жилд, 63-бет).

Иккинчидан, кенг истеъмолда бўлган сўзларнинг барча маъноларини қамраб олишга ҳаракат қилинган. Мисол учун *«бош»* нинг 17 та, *«бўлмоқ»*нинг 24 та, *«кўрмоқ»*нинг 16 та, *«чиқмоқ»*нинг 46 та, *«қўймоқ»*нинг 34 та маъносига изоҳлар берилган. Бу нарса ўзбек тили луғат жамғармасининг ниҳоятда бой, ифода имкониятларининг чексиз эканлигини кўрсатиб турибди.

Учинчидан, *ватан, виждон, даража, жасорат, мулк, ақл* каби арабча, *гап, дармон, дилбар, зийрак* каби форсча, *глоссарий, дисплей, армия, машина* сингари русча-байналмилал сўзларга этимологик изоҳ берилиши, сўз этимологиясини англашга, олинма сўзлар мазмуний мундарижасида рўй берган ўзгаришни илғашга имкон беришини тузувчилар алоҳида ҳисобга олишган. Масалан, *ақл* сўзи қуйидагича изоҳланган:

АҚЛ (арабча عقل — эс, ҳуш) **1.** Инсон миясининг дунёни акс эттириш ва шахснинг воқеликка муносабатини бошқариб турадиган фаолияти, фикрлаш қобилияти.

2. Фикрлаш қобилиятининг амали, фаҳм-идрок, зеҳн (1-жилд, 126-бет).

Энг муҳими, шу асосдан ясалган ҳар бир сўзга алоҳида изоҳлар бериб кетилган. *Ақлан, ақлий, ақллашмоқ, ақлли, ақллилик, ақлсиз, ақл-ҳуш* каби сўзлар изоҳи ниҳоятда мукаммал.

Тўртинчидан, олдинги луғатдаги хатоларга тузатиш берилади: *кунпаякун* сўзи *«бузилиб, янчилиб, йўқ бўлиб кетмоқ» (кунпаякун бўлмоқ), «бузиб, янчиб, йўқ қилиб юбормоқ» (кунпаякун қилмоқ)* деб изоҳланар эди. Янги луғатда эса бу сўзнинг арабча эканлиги, *«яратиш, борлиқ, мавжудот»* маъносини ифодалаши, ҳозирги ўзбек тилида эса *«бузиш, йўқ қилиш»* маъносида қўлланилиши ҳақида ўқувчи маълумот олади (2-жилд, 431-бет). Натижада бу сўзнинг этимологик маъносига тамомила зид маънога эга бўлганлиги илк марта ёритиб берилади.

Бешинчидан, янги луғатда минглаб сўзлар илк марта изоҳланган. Масалан, биргина *видео* сўзи билан боғлиқ *видеоаппаратура, видеобар, видеоканал, видеокассета, видеосалон, видеотасвир, видеофильм* каби сўзлар киритилган. *Аквонавт, банкомат, клиринг, лизинг, маркетинг, биржа* каби сўзлар ҳам шулар жумласидандир

Шунингдек, диний тушунчаларни билдирувчи сўзлар изоҳи ҳам тўлдирилган. Жумладан, *авлиё* сўзи олдинги луғатда: *1) дин эътиқодли, диндор кишилар назарида: гўё каромат, башорат қила оладиган, мўъжизалар кўрсата оладиган муқаддас, азиз одам; 2) улуғ, зўр фаҳмланган одам; 3) дарвешсифат;* янги луғатда эса: *1) валийлик, эътиқодли диндор кишилар, азиз, муқаддас, Аллоҳга яқин кишилар, руҳонийлар; 2) каромат, башорат қила оладиган, мўъжизалар кўрсата оладиган одам; 3) улуғ, зўр фаҳмлагувчи; 4) ҳеч нарса билан иши йўқ, дарвешсифат, дарвешнома* деб изоҳланган *(1-жилд, 27-бет).*

Умуман олганда, мазкур луғатни ўзбек халқининг ҳозирги даврдаги ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётини яққол ифодаловчи ўзига хос кўзгу дейиш мумкин. Шунингдек, уни асраб-авайлаб кейинги авлодга муносиб мерос тариқасида қолдириш, бойитиб бориш ҳар биримизнинг халқ ва Ватан олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Абдулҳамид НУРМОНОВ,
филология фанлари доктори профессор,
Абдулҳай СОБИРОВ,
филология фанлари доктори.

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи



Фаррух ТУРСУНОВ *1983 йил Касби туманида туғилган. У 2003 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тарих факультетининг «Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари» йўналишига ўқишга қабул қилинди. Бакалавр босқичида «Жиноий жазонинг тарбиявий аҳамияти» мавзусида илмий изланиш олиб борди. Ҳозирда ўзи таҳсил олган таълим даргоҳининг 2-босқич магистранти.*

2006 йилда Фаррухнинг **«Мозийга бўйлашган қишлоқ»** номли рисоласи чоп этилди. Ушбу асарида у ўзи туғилиб ўсган Қамаши қишлоғи ҳақида батафсил маълумот берган. Ўша йили у Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳиби бўлди.

Фаррух француз, форс ва рус тилларини мукаммал биларди. 2008 йилда «Талабалар баҳори — 2008» ёшлар фестивали доирасида ташкил этилган Иқтидорли талабаларнинг илмий ишлари танлови республика босқичида «Педагогика, психология, таълим ва тарбия» йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллади. Иқтидорли ёш олим 2008-2009 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси танлови ғолиби бўлди.

Бугунги кунда устозлари Омина Каримова ва Мамат Ҳайдаров раҳбарлигида **«Ҳуқуқшунослик дарсларини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш»** мавзусида изланиш олиб бормоқда.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАЗАНДАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Туркияда Халқаро — пазандалар ассоциацияси (WACS) ташаббуси билан 7-халқаро пазандалар фестивали бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг бир гуруҳ моҳир пазандалари, Англия, Россия, Греция, Венгрия сингари 15 та мамлакатдан жами 992 нафар пазанда қатнашди.

Фестивалда ўз ошпазлик маҳоратини, қолаверса, шу соҳанинг етук мутахассислари эканлигини намойиш эта олган юртдошларимиздан карвинг бўйича олтин медаль соҳиби Суннатилла Сулаймонов ва иқтидорли ёшларимиздан Тошкент туризм коллежи талабалари — Азизбек Йўлдошев, Илҳом Турсунов ва Муҳаммадали Алиев балиқ ва хамирли таомлар, ресторан ширинликлари ва карвинг (сабзавот ва меваларга чиройли шакл бериш) бўйича қатнашиб, 3 та олтин, 4 та кумуш, 4 та бронза ва 2 та рағбатлантирувчи дипломларни қўлга киритдилар. Улар бу ютуқлари билан мамлакатимизда пазандачилик тараққий этганини яна бир карра намойиш қилишди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Божхона бекати

Этикка «сиғмаган» пуллар

Мамлакатимизда валюта ресурсларидан унумли фойдаланиш, валюта бозорини янада ривожлантириш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда нақд хорижий валюталарни ноқонуний равишда чегарадан олиб ўтишга уринаётган шахслар учраб турибди.

Қўшни республикага отланган А.Нажмиддиновнинг бежо оёқ олиши Тошкент вилояти божхоначиларининг диққатини тортди. Унинг жонсараклиги сабаби тезда аён бўлди: у курткасининг чўнтагидаги 200 АҚШ долларидан ташқари этигининг патаги остига ҳам 5 минг 165 АҚШ долларини яширган экан.

Р.Бўронова ва Б.Исмайловларнинг ноғик усулни қўллашгани ҳам иш бермади. Р.Бўронова 11 минг 390 АҚШ долларини, Б.Исмайлова эса 1 миллион 700 мингдан ортиқ қозоқ тенгесини ички кийимларига беркитиб олишган экан.

Туркияга учиб кетаётган Г.Убайдуллаева сафарини қолдиришга тўғри келди. У 2400 АҚШ долларини қўл сумкасига яширганча олиб чиқиб кетишга уринганда Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари томонидан тўхтатиб қолинди.

Москвадан учиб келган С.Муқумов самарқандлик божхоначилар олдида ер чизиб қолди. У ички чўнтакларига беркитилган 204 минг 300 Россия рублини божхона баённомасида қайд этишни «унутиб» қўйган.

«Москва — Қарши» йўналишида парвози якунланган Д.Замонов эса 56 минг 170 Россия рублини яширинча олиб кирмоқчи бўлганида қилмишидан ўзи панд еди.

Қорақалпоғистон Республикаси божхоначилари нақд хорижий валюталарни юртимиздан ноқонуний олиб чиқишга уринган Ш.Худойберганованинг режаларини чиппакка чиқарди. Аёлнинг қўл сумкаси божхона назоратидан ўтказилганда, унга 39 минг 700 Россия рубли яширилганлиги аниқланди.

Қўшни давлат фуқароси Г.Ахметова юртимизга кираётиб, ёнида ортиқча нақд валюталар йўқлигини маълум қилган эди. Аммо, ўтказилган божхона кўриги чоғида унинг қўл сумкасида баённомада қайд этилмаган 108 минг қозоқ тенгеси яширилганлиги ошкор бўлди.

Фарғоналик Д.Қосимов ҳам оғзаки сўров пайтида ва баённомада қайд этмасдан туриб, 1000 АҚШ долларини яширинча юртимиздан олиб чиқишга уринганда вилоят божхоначилари томонидан тўхтатиб қолинди.

Товуқ гўшти ҳазм бўлмади

Янгиер шаҳрида ҳаракатланаётган «КамАЗ» юк машинаси вилоят божхоначилари эътиборини тортди. Текширувда унга қиймати 54,5 миллион сўмга яқин 16 тоннадан ортиқ товуқ гўшти юклангани аён бўлди. Ҳайдовчи ва юкнинг эгаси бўлмиш А.Усманқулов маҳсулотларга тегишли ҳужжатларни божхоначиларга кўрсата олмади.

Фуқаро И.Исаков ҳам товуқ гўштининг ноқонуний савдосидан мўмай даромад орттиришни кўзлаган эди. Унинг бу хомхаёли амалга ошмади. Унга тегишли қиймати 42 миллион сўмлик 15 тоннага яқин товуқ гўшти маҳсулотлари «КамАЗ»га юкланиб, айланма йўллар орқали олиб кетилаётганда самарқандлик божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинди.

«Мерседес Бенц» русумли автобусдан Бухоро шаҳридаги «Боғи жаннат» чойхонасига туширилаётган 8 тоннага яқин товуқ гўшти ҳам вилоят божхоначилари томонидан ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

Тошкент шаҳар Сергели туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 2008 йил 13 февралда Юсупова Нодира Ҳакимовна номига берилган №043433 рақамли тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

СПОРТ

«СЕВИНЧ» халқаро турнир ғолиби

Иордания пойтахти Омман шаҳрида аёллар ўртасида мини футбол бўйича анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Олтинчи маротаба ўтказилган мазкур мусобақада қитъамизнинг ўнта давлатидан жамоалар қатнашди. Унда Қаршининг «Севинч» мини футбол жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Қуръага кўра, ҳамюртларимиз турнирнинг «А» гуруҳида Сурияниинг «Ал-Муҳофаза», Эроннинг «Персполис» жамоаларига қарши баҳс юритишди. Дастлаб сурияликлар билан куч синашган «Севинч» қизлари 5:2 ҳисобида зафар қучишди. Аммо иккинчи ўйинда улар «Персполис» жамоасига (4:6) имкониятни бой берди ва гурухда иккинчи ўринни эгаллаб, чорак финалга йўлланмани қўлга киритишди.

Чорак финалда «Севинч» Ливаннинг «Ал-Садақа» жамоасини 11:2 ҳисобида доғда қолдирди. Ҳал қилувчи ўйинга берилган йўлланма учун яна таниш рақиблар — «Севинч» ва «Персполис» ўзаро рўбарў келишди. Бу сафар ҳамюртларимиз эронлик рақибларидан гурухдаги мағлубият аламини олишди — 3:2.

Мусобақа финалида мезбонларнинг «Шабаб Алордон» мини футболчиларига қарши муносиб тўп сурган «Севинч» жамоаси ишончли ғалаба қозонди — 5:2. Шундай қилиб, қаршилик қизлар мусобақа ғолиби бўлдилар.

Эркин ХОЛБОБО

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
13906 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 01.10
8
Sotuvda erkin narxda